"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон магистрал тизимидан
фойдаланиш бошкармаси бошлиғи
А.З.Каримкулов

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

***Илмий тадқиқот ишининг мавзуси:*** Зарафшон дарёси оркали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкциясини такомиллаштириш ҳамда иктисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чикиш.

Ҳозирги кунда Зарафшон дарёси сув оқимининг лойқалиги сабабли томчилатиб суғориш тизимидаги иншоотларнинг лойқа босиши натижасида тез ишдан чикиш кузатилади. Шу сабабли омчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири хисобланади.

***Ишнинг мақсади:*** Томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш, оптимал параметрларини асослаш ҳамда самарали ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

***Ишнинг вазифалари:***

- зарафшон дарёсидан сув олувчи фермер хўжалигининг сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда дала-тадкикотларини олиб бориш;
- томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш;
- томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотлари оптимал параметрларини асослаш;

- томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотларини хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

***Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар:*** Тадқиқот ишидан олинадиган натижаларни тадқиқот оъбекти **:** Зарафшон дарёси орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкциясини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш орқали , томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш натижасида лойқа чўкиндиларнинг 95% гача чўктирилиши таъминлади ҳамда тизимдан ишончли ва ҳавфсиз фойдаланиш даражаси ошади ҳамда томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муддати узайтирилади.

**Илмий-тадқиқот ишини амалга оширишдан кутилаётган натижалар:** Зарафшон ҳавзасидаги Тадқиқот натижаларига асосан Равотхўжа гидроузел ҳудудларида ўзан жараёнларини , келаётган чўкиндиларни камайтириш , ростлаш ҳамда пастги бъефдаги сув иншоотларининг ҳозирги техник носозликлар аниқланиб, бартараф этиш тадбирлари белгиланади. аниқланган тадқиқот натижаларига кўра сув оқимини ростловчи қурилмаларнинг мустаҳкамлигини ошириш, иқтисодий самара берувчи шпора ва дамба қурилмаларининг жойларда жорий этилиши таъминланади. Сув ўтказиш қобилятини кўтариш, сув оқимини ростлаш ва талабдаги сув таъминотини трансчегаравий ҳудудларга етказилишини таъминлаш, қирғоқ бўйи ҳудудларини химоя қилиш ишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Илмий-тадқиқот иши жорий қилинадиган объект:**

Зарафшон дарёси хавзасидаги«Томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда зарурий чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш

**Бошқарма бошлиғи ўринбосари** **А.Салимов**

**ТИТЭ ва ГИФ шўбаси бошлиғи** **О.Қаршиев**